*Эрурсен шоҳ, агар огоҳ сен-сен, Агар огоҳ сен-сен, шоҳ сен-сен!*

# ХАБАР

خبر

*Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги нашри*

**1992 йил мартдан чиқа бошлаган ● 1998 йил, 24 июль 29 (309) ● Сотувда нархи эркин**

## СИНОВДАН БИЛИМДОНЛАР ЎТАДИ

**Шу кунларда Тошкент Алоқа коллежида абитуриентларнинг ҳужжатларини қабул қилиш ишлари охирлаб қолди. Бу борадаги ишлар билан яқиндан танишиш мақсадида мазкур ўқув юртида бўлдик. Коллеж қабул ҳайъатининг масъул котиби Ёқуб Низомович МЎМИНОВ бизга қуйидагиларни гапириб берди:**

— Коллежимизда кундузги ва сиртқи бўлимлар мавжуд бўлиб, бу йил режага асосан 465 нафар, жумладан кундузги бўлимга 320, сиртқи бўлимга эса 145 нафар ўқувчи қабул қилишимиз керак. Ҳозир барча ишлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 4 июлдаги «Ўзбекистон Республикаси ўрта-махсус касб-ҳунар таълим муассасаларига қабул қилиш тартиби ва қоидалари» асосида олиб борилялти. Бугунги кунгача 610 нафардан ортиқ абитуриентларнинг ҳужжатларини қабул қилиб олдик. Талабгорлар кўп, аммо синовдан билимдонлар ўтади. Қабул комиссиясининг иши ҳам яхши ташкил қилинган, ҳар куни қанча абитуриент ҳужжат топширгани ҳақида маълумотлар бериб борилмоқда.

Коллежга кириш учун 11 синф маълумотига эга бўлганлар 11 августда тест синовлари, 9 синфни тугатиб келганлар эса 1 августдан 8 августгача бўлган даврда имтиҳон топширадилар.

Ҳозирги кунда коллежда ўқувчиларнинг билим олишлари учун барча шароитлар мавжуд. Ўқиш рейтинг назорати асосида олиб борилмоқда. Ўқув хоналари замонавий техника жиҳозлари билан таъминланган. Коллежнинг компьютерлар билан жиҳозланган иккита тест маркази ишлаб турибди. Бу эса барча ҳисоб-китоб ишларини аниқ ҳамда пухта бажариш имконини бермоқда.

Коллежни битирувчиларга диплом билан биргаликда мураккаб видеотехника, магнитафон, телевизор ва бошқа маиший асбоб-ускуналарни тузатиш устаси ҳамда компьютер техникаси оператори касб гувоҳномалари ҳам берилади. Бу эса келгусида коллежга киришни хоҳловчилар сонининг ошишига олиб келади.

***Ғайрат ЮСУПОВ***
***суҳбатлашди***

*● Дил изҳори*

## НЕГА ШУНДАЙ?

**Ҳурматли «ХАБАР» газетаси ходимлари!**

Мен 1960 йилдан буён «Қашқадарё телеком» шуъба корхонасининг Китоб тумани филиалида электромантўр бўлиб ишлаб келяпман. Ҳозирда мингга яқин телефон нуқтасига хизмат қиламан. Уч ўғил, икки қиз ва беш невярамни шу корхонада ишлаб туриб орттирдим. Худога шукур, ўз ишимдан нслимайман. Лекин мени бир нарса кўпдан буён ўйлантириб келади.

Халқимизда «от изини той босар» деган нақл бор. Раҳбарлар олдига фарзандларимдан бирортасини ишга олинг дея сўраб кирганимда улардан доимо «бўш ўрин йўқ» деган жавобни эшитаман. Хўш, нима учун раҳбарларнинг фарзандлари ёки қариндошлари учун бўш ўрин топилади-ю, мен каби кўп йиллардан бери ҳалол меҳнат қилиб келаётган оддий алоқачининг фарзанди учун бундай имконият йўқ?

**Йўлдош ТУРДИЕВ,**
**Қашқадарё вилояти, Китоб тумани Ғафур Ғулом кўчаси, 2-уй**

***ТАҲРИРИЯТДАН: Сезишимизча, Йўлдош ака таҳририятга кимнидир айблаш мақсадида эмас, балки ўзини қийнаган муаммо юзасидан дардлашгиси, бироз бўлса-да кўнглини бўшатгиси келиб, мактуб йўллаган. Китоб тумани электралоқа корхонаси раҳбарлари ушбу дил изҳорини ўқиб, мактуб муаллифига ёрдам қўлини чўзишади деган умиддамиз.***

## ГУЛИСТОНЛИКЛАР СИМСИЗ ГАПЛАШИШАДИ

Гулистон шаҳрида уяли алоқа бўйича «Коском» Ўзбек-Америка қўшма корхонасининг филиали иш бошлади. «Коском» сўзлашув аппаратларини олган мижозлар сим қоқиш учун навбат кутиш, коммутатордан улаб беришни сўраб илтимос қилиш ташвишидан халос бўлдилар. Қўшма корхона мутахассислари яна 9 та вилоятда ана шундай алоқа тармоғини йўлга қўйишни режалаштиришган.

## ОЛАМДА НИМА ГАП?

### •Янгиликлар•Воқеалар•Хабарлар

**● Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси «Қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилишга оид қонун ҳужжатларига мувофиқ қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкат хўжаликлари) тузиш чора-тадбирлари тўғрисида» ва «Фермер хўжалиги тўғрисида», «Деҳқон хўжалиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларини амалга ошириш муддатлари ва чора-тадбирлари тўғрисида» қарорлар қабул қилди.**

● Ўзбекистон хорижий мамлакатлар билан маданий ва маърифий алоқалар жамиятида Франциянинг миллий байрамига атаб тадбир ўтказилди.

**● Германияда ўтказилган жаҳон мусиқашуносларининг VIII халқаро фестивалида Тошкент давлат консерваториясининг Ф. Абдураҳимова бошчилигидаги «Сўғдиёна» камер оркестри муваффақиятли қатнашиб, ҳайъатнинг махсус дипломларига сазовор бўлди.**

● Қозоғистонда шимолий вилоят — Павлодарни энг яқин йўл орқали шарқий вилоятлар билан боғлаш учун 185 километрдан иборат темир йўл қурилиши бошланди.

**● Эквадорда ўтказилган президентлик сайловлари натижаларига кўра христиан демократ Хамил Муад мамлакат президенти этиб сайланди.**

● Жанубий Африка Республикаси Президенти Нельсон Мандела 80 ёшга тўлди. Юбилей тантаналарига икки мингдан зиёд фахрий меҳмонлар ташриф буюришди.

**● Пекин шаҳар прокуратураси пойтахтнинг собиқ мэри Чэн Ситунни катта миқдорда пора олганликда ва хизмат вазифасини суиистеъмол қилганликда айблади. Айбномага кўра, ноқонуний йўллар билан икки миллиард АҚШ доллари миқдоридаги пулни ўзлаштирган 67 ёшли Чэн Ситун олий жазога ҳукм қилиниши ҳам мумкин.**

*● Воқеа*

## ЎҒРИГИНА БОЛА ҚЎЛГА ТУШДИ

### У алоқачидан қочиб қутила олмади

**Одамзод ўзига инъом этилган умри давомида бошидан турли хил воқеаларни кечиради. Яқинда азим Тошкент шаҳрининг почта алоқа бўлимларидан бирида телеграфчи бўлиб ишлаётган Таня ҳаётида ҳам унутилмас бир воқеа содир бўлди...**

...Одатдаги иш кунларининг бири. Таня ҳар галгидек ишга барвақт келди. Телеграф аппаратини ишга ҳозирлаб, мижозлардан тушаётган буюртмаларни бажара бошлади. У билан бир хонада ишлайдиган телефончи ҳамкасбининг ҳам қўли-қўлига тегмайди. Одамлар узоқда яшайдиган қариндоши, таниш-билишларига бирор муҳим янгилик ёки хабарни етказишда кўпинча шошилинчнома жўнатишдан кўра телефон хизматидан фойдаланишни маъқул кўришади. Чунки телефон орқали янгилик-хабарни етказиш осон ва қулай. Ана шу беминнат дастёр ёрдамида узоқдаги қариндошнинг овозини эшитиб, уни янгиликдан ўз вақтида воқиф қилиш мумкин. Шошилинчнома эса айтилган кунда, ўз вақтида эгаси қўлига етиб бормаслиги мумкин. Шунинг учун ҳам кўпчилик мижозлар шаҳарлараро ва халқаро телефон хизматидан фойдаланишади. Таня бир-иккита буюртмаларни бажариб бўлгач, мана шулар ҳақида ўйлади. «Саноқли бўлса ҳам, шошилинчномалар юбораётганлар бор-ку?!» — дея кўнглидан ўтказди у.

Шу орада алоқа бўлимига 19 ёшлардаги, ориққина бир йигит кириб келди. У мижозлар учун қўйилган курсилардан бирига оҳиста ўтирди. «Шошилинчнома жўнатмоқчи бўлганда менга мурожаат қилар эди», — деб ўйлади телеграфчи қиз. Аммо ориққина йигит телефонда сўзлашиш учун ҳам буюртма бермади. Алоқа бўлимига яна мижозлар кела бошлади. Таня уларнинг шошилинчномаларини телеграф аппарати орқали зарур манзилга жўнатиш билан машғул бўлди. Шу пайт бояги йигит телефонда сўзлашиш учун буюртмалар бериладиган дарича ёнига яқинлашди. Атрофни кузатди, ҳамма ўз иши, ўз хаёли билан банд. Телефончи ҳам орқасига ўгирилиб, нимадир қилаётган эди. Мана шу лаҳзада гурсиллаган овоз эшитилди.

Таня овоз чиққан томонга қараб, ёнгинасидаги ярим метр ойна билан тўсиб қўйилган телефончи столи томон чўзилган қўлни кўрди. Ҳа, бояги ориққина йигит тўсиқ оша сакраб, стол устида турган қутидаги пулни чангаллаганча кўча томон отилди. Кутилмаган бу воқеадан кўпчилик эсанкираб, нима қилишини билмай қолди. Аммо Таня ўйлаб ўтирмасдан ўғри орқасидан қувишга тушди. Ўғригина бола шитоб билан чопар, Таня эса қувишда давом этар эди. Алоқачи қиз қува-қува чарчади, оёғидан мадор кетди. Нима қилиш керак? Таня кўчадаги одамларни ёрдамга чақира бошлади. Ёрдамга навбатчи милиционерлар етиб келишди. «Бузоқнинг югургани сомонхонагача» деганларидек, ўғри ҳам узоққа боролмади. Тартиб посбонлари уни ушлашди. Ўғирланган пул алоқа бўлимига қайтарилди. Маълум бўлишича, ўғригина бола олдин ҳам судланган экан, бу қилмиши учун ҳам жазосини оладиган бўлди.

Таня туманлараро алоқа филиали раҳбарияти томонидан ҳушёрлиги ва фидойилиги учун қўл соати билан тақдирланди. Телефончи эса лоқайдлиги учун ишдан бўшатилди.

Орамизда иймони пок, эзгу хислатли одамлар кўп. Аммо ҳаётда қора ниятли кимсалар ҳам учраб туради. Юқоридаги каби нохуш воқеанинг юз беришига кўпинча бизнинг лоқайдлигимиз, бепарволигимиз сабаб бўлади. Таня ҳам ушбу воқеа шоҳидлари сингари ўғрининг орқасидан қувмаслиги, ҳаётини хавф остига солмаслиги мумкин эди. Аммо эндигина йигирма икки ёшга тўлган, қилаётган ишлари ҳам ўзидек дилбар алоқачи қиз жамоа мулкини асрашни ўз виждоний бурчи деб билди, зиммасидаги масъулиятни чуқур тушуниб етди. Қилган саъй-ҳаракатлари беиз кетмади. Жамоадошларининг ҳам юзи ёруғ бўлди.

Ҳа, бу ҳаётнинг турфа синовлари кўп. Юртдошимиз Таня ана шундай синовдан яхши ўтди.

***Абдуғани АБДУРАСУЛ***
***ўғли***

***ТАҲРИРИЯТДАН: Мақоламиз қаҳрамонининг илтимоси ва баъзи бир сабабларга кўра унинг исми шарифи ҳамда иш жойини аниқ кўрсатмадик.***

● *Сизга қандай хизмат кўрсатишмоқда?*

# БАХТЛИ ОТА

Қаюмжон асли Оқчова жамоа хўжалигининг Нов қишлоғида туғилиб ўсган йигитлардан. У шу жамоа хўжалиги аҳолисига почта хизмати кўрсатиб, эл ҳурматига сазовор бўлди.

«От ўрнини той босади», деганларидек, алоқа хизматига бўлган қизиқиш Қаюмжонда мактабда ўқиб юрган кезларидаёқ бошланганди. Раҳматли отаси Карим Элмуродов Оқчова алоқа бўлимида почтачи бўлиб ишлар эди. Мактабда дарслар тугагач, Қаюмжон отаси олдига бориб, газета-журналларни саралаш ва уларни мижозларга етказишда ёрдам берарди. Қишлоқда отахонлару онахонларнинг хат-хабарларни етказиб бергани учун айтган илиқ сўзларини эшитарди. Бундай сўзлар Қаюмжоннинг юрагига чўғ ташлар, хат-хабарларни қишлоқларга ўзи тарқатишга чорлар эди.

У 1974 йили, ўрта мактабни тугатиш арафасида падари бузрукворидан айрилиб қолди. Оилани тебратиш ва беш нафар укаларини боқиш ёш Қаюмжон зиммасига тушди. Ўша вақтлари Чироқчи тумани алоқа боғламасининг бошлиқ ўринбосари, раҳматли Ўрол Йўлдошев, Оқчова алоқа бўлими бошлиғи Дўсман Шукуровлар Қаюмжонни отаси ўрнини совутмасликка даъват қилишди. Уларнинг қўллаб-қувватлаши билан Қаюмжон ўрта мактабни тугатгандан сўнг йўлланма билан Тошкент Алоқа коллежига ўқишга юборилди. 1978 йили коллежни имтиёзли тамомлаб, Қашқадарё алоқа бошқармасининг йўлланмаси билан Шаҳрисабз алоқа тармоғига ишга юборилди. Шаҳрисабз почта бўлимида оператор бўлиб ишлади. Қаюмжонга ўқиб юрган вақтлари почта алоқа хизматлари қоидаларини Тошкент шаҳар алоқа бўлимларида ўргангани қўл келди. Шу боис у Шаҳрисабз почта алоқаси раҳбарларининг эътиборига тушди.

«Йигит кишига қирқ ҳунар ҳам оз» деганларидек, Қаюмжон электралоқа ишига ҳам қизиқиб қолди, бу соҳани ҳам қунт билан ўрганди. У 1982 йилдан ўзи туғилиб ўсган Оқчова жамоа хўжалигида электромантўр бўлиб ишлай бошлади. Хўжалик катта бўлиб, унинг марказида битта коммутатор ва 15-20 та телефон бор эди, холос. Қаюмжон туман алоқа корхонаси ва жамоа хўжалиги раҳбарлари билан автомат телефон станциясини қуриш, ишга туширишда астойдил хизмат қилди. Хўжаликда 1990 йили 150 рақамли АТС қурилиб ишга туширилди. 1990 йили раҳматли отасининг ҳам, ўзининг ҳам устози Дўсман бобо Шукуров нафақага чиқди. Чироқчи алоқа тармоғи раҳбарияти Қаюмжонни алоқа бўлими бошлиғи этиб тайинлади. Шу-шу у Оқчова алоқа бўлими бошлиғи вазифасида ишлаб келаётир.

Қаюмжон 1997 йили «Ўз касбининг устаси» фахрий унвони билан тақдирланди. Элмуродовлар оиласини алоқачилар оиласи десак янглишмаймиз. Қаюмжоннинг ўғли Ғайратжон ҳам алоқачи, қизи Наргизахон эса мактабни тугатиб, алоқа коллежига ўқишга бормоқчи. Қаюмжон Элмуродов бахтли алоқачи бўлибгина қолмай, уч ўғил ва уч қизнинг бахтли отаси ҳамдир.

***А. ЙЎЛДОШЕВ,***
***Қашқадарё вилояти***



**Тошкентдаги 21-почта бўлими бошлиғи ўринбосари Эркиной НИЗОМИДДИНОВА кўп йиллардан буён алоқа соҳасида самарали меҳнат қилиб келмоқда.**
**Т. ЛУТФУЛЛАЕВ олган сурат**

# АЛОҚАЧИЛАР СУЛОЛАСИНИНГ ЕТАКЧИСИ

***Шаҳарлараро алоқа ва телевидение ҳудудий ишлаб чиқариш бирлашмаси бошлиғи Турсунбой Оразбоевич ОРАЗБОЕВ 60 ёшга тўлди.***



Турсунбой Оразбоев иш фаолиятини 1961 йили Тошкент электротехника Алоқа институтини тугатиб, Нукус линия-техника алоқа тармоғининг тажрибахонасида муҳандисликдан бошлади. Сўнгра Қорақалпоғистон Республикаси электралоқа корхонаси бошлиғи ўринбосари, Нукус шаҳар алоқа тармоғи бошлиғи, Қорақалпоғистон алоқа ишлаб чиқариш техника бошқармасининг бошлиғи каби масъулиятли вазифаларда хизмат қилди. Ишбилармон, ташаббускор раҳбар сифатида тилга тушди, обрў-эътибор топди.

Ишлаб чарчамайдиган Турсунбой Қорақалпоғистон алоқа бошқармасини бошқарган йиллари иккита асосий муаммони ҳал қилишда жонбозлик кўрсатди. Унинг раҳбарлигида республиканинг шимолий ва жанубий ҳудудларида 200 километр масофада ридиорелели линиялар — телевидение ва телефон-телеграф каналлари бунёд этилди. Натижада республика аҳолиси Ўзбекистон ва Россия телевидениеларининг иккитадан дастурларида бериладиган телекўрсатувларни томоша қиладиган бўлди.

Турсунбойнинг астойдил елиб-югуришлари натижасида алоқа корхоналари учун бинолар, алоқачилар учун эса бирбиридан чиройли уйлар қурилди. Унинг меҳнатлари зое кетмади, 15 йил мобайнида мухтор республика Олий кенгашига депутат этиб сайланди. «Қорақалпоғистоннинг фахрий алоқачиси» унвонига сазовор бўлди. Мана, қарийб ўн йилдирки, у шаҳарлараро алоқа ва телевидение ҳудудий ишлаб чиқариш бирлашмасида меҳнат қилмоқда. Турсунбой Оразбоевич 1992 йилдан буён бирлашмага етакчилик қилиб келяпти.

Халқаро Транс-Осиё-Европа шиша толали кабель магистрали қурилиши ҳамда OECF япон кредити асосида Оролбўйи минтақаси, Хоразм, Бухоро ва Навоий вилоятларида кенг кўламда олиб борилаётган ишларда Турсунбой Оразбоев салмоқли улуш қўшиб келмоқда. У оғир дамларда тажрибали мутахассисларга суяниб, улар билан маслаҳатлашиб иш кўради. Шу боис ҳам бошлаган ишини муваффақият билан охирига етказади.

Турсунбой Оразбоев 60 ёшида ҳам бардам, тетик. У ёшларга хос шижоат ила бирлашма муаммолари ва ташвишларини ҳал қилиш йўлида астойдил меҳнат қиляпти. Моҳир алоқачининг тўрт нафар фарзанди олий маълумотлидир. Бири ота касбининг этагини тутган, бошқаси эса ўқитувчи ва шифокор сифатида халқ хизматида юришибди. Турсунбойнинг отаси ҳам 43 йил алоқа соҳасида меҳнат қилган, «Қорақалпоғистон фахрий алоқачиси» фахрий унвонига мушарраф бўлган.

Оразбоевлар сулоласи республикамиз алоқа хизматини ривожлантиришга муносиб улуш қўшиб келмоқда. Бу сулолани бошқараётган Турсунбой Оразбоев Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги томонидан «Моҳир алоқачи» фахрий унвони билан тақдирланди.

Заҳматкаш алоқачига сиҳат-саломатлик, узоқ умр тилаймиз.

***А. КУДИНОВ***

# МАЛАКАЛИ КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ ЙЎЛИДА

Наманган вилоятида алоқа ходимлари малакасини ошириш, уларни илғор иш услубларига ўргатишга алоҳида эътибор берилмоқда. «Наманган телеком» ҳиссадорлик жамияти қошидаги ўқув базасида тажрибали мутахассисларни жалб этган ҳолда ҳар йили режага асосан 150 нафардан ортиқ ишчи ва хизматчилар малакаси оширилиб борилади.

Жойларда малакали мураббийлар ёрдамида алоқачилар махсус дастур асосида ўқитилиб, вилоят марказида тузилган касб малакаларини аниқлаш комиссияси томонидан имтиҳон қилинади. Амалга оширилган ишлар ўз натижасини бермоқда. Лекин ходимларни тайёрлаш ва уларнинг малакаларини ошириш борасида Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги томонидан зарур меъёрий ҳужжатлар, низом ва йўриқномалар ишлаб чиқилмаганлиги сабабли кўплаб қийинчиликларга дуч келяпмиз.

Малака оширишга сарфланадиган харажатларни камайтириш, барча филиал раҳбарлари ва ҳиссадорлик жамиятининг масъул ходимлари малакасини ошириш мақсадида Марказий Осиё телекоммуникация Ўқув маркази мутахассисларини Наманган шаҳрига таклиф этиб, улар ёрдамида «Телекоммуникацияда маркетинг ва менежмент» курси бўйича бир ҳафталик ўқув машғулотлари ўтказилди. Машғулотлар жараёнида ўқитувчилар тингловчиларга бозор муносабатлари шароитида иш юритишнинг асосий принциплари бўйича маълумотлар бериб, ривожланган мамлакатларнинг телекоммуникация соҳасидаги илғор иш услублари билан таништиришди.

Биз бундан кейин ҳам мазкур ўқув маркази билан ҳамкорлик қилиб, раҳбар ва муҳандис, техник ходимлар учун кўчма ўқув машғулотлари ўтказишни режалаштирганмиз.

***З. ШАҲОБИДДИНОВА,***
***«Наманган телеком» ҳиссадорлик жамиятининг ходимлар тайёрлаш ва малакаларини ошириш бўлими бошлиғи***

# «ШАРҚ ТАРОНАЛАРИ» ПОЧТА МАРКАСИ МУОМАЛАДА

Халқаро мусиқашунослар фестивалига бағишланган почта маркасини «Ўзбекистон маркаси» ҳиссадорлик жамияти тайёрлаб, муомалага чиқарди.




«Шарқ танроналари» фестивали 1997 йили Шарқ халқлари санъат бешиги бўлган Самарқанд шаҳрида ўтказилди. Фестивал ЮНЕСКОнинг халқаро маданият тадбирларига киритилган эди. Ушбу катта анжуманда ўндан ортиқ давлатдан юзлаб созандалар, ижрочилар, бастакорлар ва мусиқашунослар қатнашдилар. Фестивал дунё мусиқашунослари орасида, айниқса Ғарбий Европа ва Америкада зўр қизиқиш уйғотди.

«Шарқ тароналари» фестивали анъанага айланиб, Шарқ халқлари қўшиқ ва мусиқа санъатини янада юқори поғонага кўтаришга хизмат қилади.

Марка ва эмблема тасвирини тошкентлик мусаввир С. Шарипов чизган. Марка кўп рангли, шарқ услубида яратилди.

# ТАБРИКЛАЙМИЗ!

**Ҳурматли Холиқ СОАТОВ!**

**Сизни таваллуд топган кунингиз билан чин қалбдан табриклаймиз. Сизга узоқ умр, сиҳат-саломатлик, алоқа соҳасидаги ишларингизда ривож тилаймиз.**

**«ХАБАР» газетаси жамоаси**

Мерос

Юсуф Товаслий

# НОМУС ЭНГ ҚИММАТЛИ БОРЛИҒИ ЭДИ

Ҳикоя қилаётганим бу воқеа Пайғамбаримиз Муҳаммад (С.А.В.)нинг замонларида Мадинада рўй берган.

Ул замонларда инсонлар қабилалар ҳолида яшар эдилар.

Бир кун Ҳузайл қабиласидан бир ўспирин туясига миниб йўлда кетар эди. Якка ўзи ёлғиз йўлдан келар экан, қирлар, адирлар, ҳам кимсасиз, унсиз эди. Ҳеч бир ерда сас, садо йўқ. Ул одам туясига миниб саҳроларда сассиз, жим кетаркан, узоқда қўйлар сурувини кўрди. Сурувга яқинлашганида қўйларни ўтлатиб юрган чўпон аёл киши эканлигини билди. Яна ҳам яқинлашганидан сўнг чўпон аёл Рашид исмли одамнинг қизи эканлигини таниди. Ўспирин йигитнинг қалбида бир бузуқлик бор эди, сурувга яқин келганда фикри бузилди. Шул онда туясини чўктириб, яна туриб кетмасин деб тизгинидан боғлаб қўйди. Сурувни ўтлатиб юрган ёлғиз қизга:

— Бу ерда ёлғиз ўзинг қўрқмайсанми? Биз бир қардошмиз, кел қўйларингни бирга ўтлатайлик. Оқшомда уйга бирга кетамиз. Мен сенга ҳамроҳ бўламан, — деб унга яқинлаша бошлади.

Қўйларини ўтлатиб юрган қиз ақлли, оқила қиз эди. «Бу элнинг одами менга қандай қилиб қариндош бўлади» деб ўйлади ва жавоб берди:

— Бу ердан дарҳол кет. Мен қўйларимни ўзим ўтлатаман. Бу ерда турма, тез даф бўл!

Йигитнинг қонида бузуқлик борлигидан қиз ёнига яқинлаша бошлади.

— Олдимга келма, келсанг ўлдираман, — дея ҳайқирди қиз.

Шунга қарамай ҳариф йигит қиз ёнига яқинлашаверди. Қиз ундан халос бўлишнинг бошқа йўли йўқлигини сезиб, бутун қувват ва жасоратини тўплаб ўзини мудофаа этишга қарор берди. Ҳарифни бир зумда ерга йиқитди ва ҳайқирди:

— Олчоқ ҳариф, тез даф бўласанми ёки сени мажақлаб ташлайинми?

Ҳариф қўрққанидан:

— Ҳозир кетаман, мени кечир, — деб ёлворди.

Қиз бу нопок йигитни — душманини кечирди. Ўспирин ўрнидан турди, сўнг бироз жасур бўлиб, яна қизга ташланди. Қиз бир ҳамла билан уни яна ерга улоқтирди, ердан қўлига тош олди ва:

— Номуссиз, бу ердан даф бўлиб кетасанми? Ёки шу тош билан сени урайинми? — деб бақирди. Фикри ва қони бузуқ ул йигит ёлборди:

— Кечир, Асила, мен ҳозир кетаман, олдингга бормайман, — деди. Қизнинг исми Асила эди. Йигит ўрнидан турди-да, яна ўзини ўнглаб қизга ёпишди. Қиз номусини сақлаш учун бор кучини йиғиб, йигитни ерга йиқитди-да, кўкрагига ўтириб, томоғидан бўғди. Жаҳл устида қўлидаги тош билан кўкрагига қаттиқ урди, ўспирин ҳушидан кетиб қолди.

Қиз «Ё Раббий, Сенга ҳамд бўлсин. Аллоҳим, сенга беҳад шукрлар қиламан. Номусимни бу олчоқ, ахлоқсиз одамдан қутқардинг», деб ўрнидан туриб, кийимини тузатди.

Қиз бироз вақт ўтиб қўйларини ҳайдаб уйига кетди. Орадан бир қанча вақт ўтгач, йўловчилар ўша ердан ўтдилар. Улар Ҳузайл қабиласидан эдилар. Қарасалар, ётган одам ўз қабиладошлари экан.

— Сен ўзимизнинг Ҳамала эмасмисан? Не ҳол бўлди? — деб сўрадилар йигитдан.

Қиздан таъзирини еган Ҳамала тетикланди:

— Сўраманг, — деди у, — туям мени устидан отиб юборди. Шаталоқ отиб ирғишлади, йиқилиб яраландим.

— Таажжуб, сени туянг бу ерда боғлиқ ётибди. У сени қандай қилиб йиқитиб юбора олади? Қара, бу ерда мана бу тош ётибди, у қонга булғанган. Сени бошинг ёрилган, кўксингда тошдан жароҳатлар бор, — дедилар.

Бузуқ ахлоқли Ҳамала қизариб, бўзариб кетди. Тили тутилди.

Ҳамала исмли бу ахлоқсиз йигитни туясига миндириб, уйига олиб бордилар. Бу йигит бир кеча ётгач, аҳволи ёмонлашди. Қабиладошлари ундан умид узишди ва йигитдан сўрадилар.

— Ҳамала, сенинг аҳволинг оғирлашди. Йигитлик вақтингда ўлиб кетасан. Сени бундай ҳолга ким туширганини айт, ундан ўч оламиз, — дедилар.

У хаста овоз билан:

— Рашид, Асила, — дея олди холос ва жони узилди.

Ҳузайл қабиласининг оқсоқоллари тўпланиб, Пайғамбаримиз (С.А.В.) ҳузурларига келдилар:

— Ё, Расулуллоҳ! Ўғлимиз хунини Рашиддан олишни истаймиз. Ўғлимизни у яралади. Ўғлимиз ўлди, энди қасос олишимиз керак, — дедилар.

Пайғамбаримиз (С.А.В.) қизнинг отаси Рашидни чақиртирди. Рашид билан яна бир одам бирга келди. Бўлган ишни эшитгач, у:

— Менинг бу воқеадан хабарим йўқ, — деди.

— Ё, Расулуллоҳ! — дедилар даъвогар одамлар. — Рашиднинг ўзи эмас, унинг қизи Асила қотилдир. Ҳамалани яралаган Рашиднинг қизидир.

Пайғамбаримиз (С.А.В.) қизни чақиртириб келтирди.

Қиз келганидан сўнг Пайғамбаримиз (С.А.В.) унга:

— Асила, Ҳузайл қабиласидагилар сени Ҳамалани ўлдирган деб иддао қилмоқдалар, бу хусусда нима дейсан, — дедилар.

Асила бироз ўйланиб, сўнг:

— Ҳеч бир хотин эркакни енгиб ўлдира оладими? — деди.

Асила оқила қиз эди. Шунинг учун ўзининг берган жавоби Аллоҳнинг Пайғамбарига бериладиган тўғри жавоб эмаслигини тушунди. Аллоҳ ваҳий юбориб, Жаброил алайҳиссалом билан воқеани Пайғамбаримиз (С.А.В.)га билдирар деб ўйлади ва бўлиб ўтган ишни Пайғамбаримиз (С.А.В.) га айнан қандай бўлса шундай айтиб беришга қарор қилди:

— Ё, Расуллулоҳ! Ҳодиса айнан бундай бўлди: У уч дафъа менга ёпишди. Ёнимга келмаслигини, тўғри йўлига кетишини сўрадим, у қулоқ солмади, — деб воқеанинг тўғрисини Пайғамбаримиз (С.А.В.)га айтиб берди. Яна Асила:

— Ё, Расулуллоҳ! Мен ўзимни мудофаа этдим. Номусимни сақламоқ учун унинг бошини яралашга мажбур бўлдим, — деди.

Йигитнинг қабиладошлари бунга қарши:

— Бўлган ишни бу қиз ўз оғзи ила эътироф этди. Ўғлимизнинг қасосини, хун ҳақини даъво этамиз, — дедилар.

Севикли Пайғамбаримиз (С.А.В.) бу одамларга эътироз билдириб:

— Бўлган ишни мулоҳаза этайлик. Қиз ўз номусини мудофаа этган. Бировга душманлик қилмоқ истаган ўғлингиз ўзининг қотили бўлиб қолган. Баъзан ўлдирган, баъзан ўлган қотилдир. Бунда ўғлингиз қотилдир. Қиз эса номусини ҳимоя қилган. Инсон номус учун яшар. Қиз шарафли бир ҳаракат қилган. Ўғлингиз ўзининг қотили бўлиб қолган, у жаҳаннамга боради, — деди.

Шундан кейин қизнинг отаси, «Ақлли ва номусли қизнинг отаси бўлганим учун Аллоҳга шукр айтаман» деб, даврадан бошини тик тутиб чиқиб кетди. Ўлган ахлоқсиз одамнинг ақробалари бошларини қуйи солиб, у ердан кетдилар.

# ПАЙҒАМБАРИМИЗ НАСИҲАТЛАРИ

Дўстингни енгилроқ севгинки, куни келиб душман бўлиб қолиши ҳам мумкин. Душманингга ҳам енгилроқ адоват қилгинки, куни келиб дўст бўлиб қолиши мумкин.

* * *

Деҳқончилик қилинглар, чунки деҳқончилик баракали ишдир. Деҳқончиликни қўриқловчи соқчиларни кўпайтиринглар!

* * *

Либосларингизни чиройли қилинглар, от-уловларингизни яроқли тутинглар! Юздаги холдек одамларга намуна бўлинглар!

* * *

Отангиз вафотидан кейин унинг дўстлари билан алоқани давом эттиринг. Улар билан алоқани узсангиз, Тангри сизнинг нурингизни ўчиради..

* * *

Омонат қўйган кишининг омонатини ўз вақтида адо этинг. Ҳаққингизга хиёнат қилган кишига сиз хиёнат қилманг!

* * *

Зиёратингизга келган одам ҳурматини жойига қўйинглар.

* * *

Ким-кимни дўст тутса, шу севгисини билдириб қўйсин.

* * *

Кимники Тангри дўст тутиб қолса, одамларнинг унга ҳожати тушадиган қилиб қўяди.

* * *

Қайси бир аёлга уйланиш дилга тушиб қолса, олдин уни бир кўришлик ёмон эмас.

* * *

Қўшниларингиз сизни яхши одам дейишаётган бўлса, демак, сиз яхшисиз. Агар улар сизни ёмон одам дейишаётган бўлса, демак, сиз ёмон одамдирсиз.

* * *

Қайси бир халқдан қирқ киши ва ундан зиёд одамлар бирор ишга гувоҳлик берсалар, Тангри уларнинг гувоҳликларини қабул этади.

* * *

Қачонки бирор гуноҳ иш қилиб қўйсангиз, уни ювиш учун орқасидан бир савобли иш ҳам қилиб қўйинг!



Сочилган сочингдек сочилса сиринг...

Ажаб дунё

## УММОНДА ИККИ ОЙ

**Индонезиялик балиқчи Абдулла Сабу довул пайтида ҳалокатга учраган кеманинг қолдиғида уммонда қолиб кетди. Орадан икки ой ўтгач, яримжон Абдуллани тасодифан кўриб қолган йўловчи кема бортига чиқариб олади.**

**Омадни қарангки, акулаларнинг раҳми келган шекилли, бирор марта ҳам Абдуллага тегишмаган. Сабу олтмиш кун давомида фақат денгиз ўтлари билан овқатланган.**

## ҲУКМ ЖОЙИ ЎҒИРЛАНДИ

**Ҳиндистон штатларидан бирида йирик олибсотар қўлга тушди. Маҳаллий ҳукумат уни шаҳар майдонидаги машҳур «Шармандалар симёғочи»га боғлаш ҳақида ҳукм чиқарди. Ҳукмни ижро этиш вақти келганда ҳамма ҳайрон бўлиб қолди — майдондаги симёғоч ўғирлаб кетилган эди.**

# БОЛАНИНГ ТИЛИ ШИРИН

***— Кўрдингми, бу қизча ҳали бир ёшга тўлмаган бўлса ҳам ўқишни билади.***

***— Унда нега у китобни индамасдан варақламоқда?***

***— Чунки у ўқишни билади-ю лекин ёш бўлгани учун ҳали гапиришни ўрганмаган.***

* * *

***Дугонасиникига ўйнагани келган қизалоқ сўради:***

***— Ойинг қаерда?***

***— Ойим икки соат олдин беш дақиқага қўшнимизникига чиқиб кетувди.***

* * *

***География дарсида муаллим сўради:***

***— Қани Карим, судралиб юрувчиларга мисол келтирчи?!***

***— Судралиб юрувчиларга доимо ичиб юрувчи қўшнимиз — Тошмамат амаки мисол бўла олади.***

* * *

***— Ойи, ойи, тез келинг, деразани ёпинг!***

***— Нега энди, совуқ эмас-ку?***

***— Ҳа, совуқ эмас, лекин қоронғу уйга киряпти.***

* * *

***— Қани айтчи, нега кеча мактабга келмадинг? — деб сўради муаллим ўқувчидан.***

***— Опам турмушга чиқаётган эди.***

***— Майли, ўтир, лекин бу ҳол иккинчи такрорланмасин!***

* * *

***— Биласизми, ойижон, бугун ўқитувчимизнинг саволига ҳеч ким жавоб беролмади.***

***— Қанақа савол экан?***

***— У «Деразани ким синдирди?» деб сўради.***

МУАССИС:
Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги

Бош муҳаррир:
Шодмон ОТАБЕК

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Абдувоҳид ЖЎРАБОЕВ
Шуҳрат ЖАББОР
Анатолий КУДИНОВ
Иззат АҲМЕДОВ
(Бош муҳаррир ўринбосари)
Абдуғани АБДУРАҲМОНОВ
(Масъул котиб)
Мирпўлат МИРЗО
Рустам ҚОСИМОВ
Қуролбой ТЎЛЕБОЕВ
Ёқубжон ХЎЖАМБЕРДИ

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ:
Бўривой АҲМЕДОВ
Саидмаҳмуд АКБАРОВ
Шоҳруҳ АКБАРОВ
Меҳмонқул ИСЛОМҚУЛОВ
Тўлқин ЛУТФУЛЛАЕВ
Тоғай МУРОД

МАНЗИЛИМИЗ: 700000 Тошкент-35, А. Толстой кўчаси, 1.
ТЕЛЕФОНИМИЗ: 136-36-42, 136-35-29, 144-29-09.
Факс: 136-36-42.
ИНДЕКС: 64600
ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

Муҳарририятга келган қўлёзмалар (2 ораликда, 5 бетдан ошмаслиги лозим) ва суратлар муаллифларга қайтарилмайди. Мақолалардаги фикр-мулоҳазалар, келтирилган факт ва рақамлар масъулияти муаллифлар зиммасидадир.

Рўйхатга олиш №000011. Буюртма № Г-0202. 8593 нусхада чоп этилди.
Офсет усулида босилди.
Бичими А-3, ҳажми 1 босма табоқ.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ «ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА КОНЦЕРНИ БОСМАХОНАСИ.
Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Босишга топширилди – 18.00
Босишга топшириш вақти– 21.00

1 2 3 4 5 6

